



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 12 май, № 95 (9266)

Сешанба Сайтимизга Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РИЁСИЗ СЎЗЛАР

МУҚАДДИМА

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўрадилар. Дунёнинг қайси бир четдаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки галабаси уларнинг руҳини кўтаради. Ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонадилар, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам муаммоларига айланади.

Улар ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканлигини теран ҳис қилади, кайфиятлари кўтарилади.

Тараққиёт одимлари

бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку?

Унинг ортида кимнинг меҳнатию заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди? Мамлакатимизнинг барча минтақаларига ёйилган бунёдкорликка ким гафрат-шижоат бағишляпти?

Бу саволларга жавоб битта: ушбу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидоқорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидоқорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Ўйк, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга қилмамай олган бўлсам...

1

Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди? Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исмасди. Бир фарзандим кейинчалик

“Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслади.

Нафақага чиқдим. “Нафақаннинг ярми тўланади” дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан-ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан машааларни-ку айтмай. Дўконга борсан. “Нақд олсангиз саксон сўм, пластик карта билан тўланган юз”...

Деновда бозорнинг нақ ўртасида пластик карталардаги пулларни нақда алмаштириш “пункти” очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг дахшати, бу пунктни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритишади. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўтибозликлар бутун халқ кўз-ўнгида рўй берди. Ҳеч ким “миқ” этолмади. Кўрқув. Бу кўрқувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг яқинига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзлари сотиб олиб ётибди — одамларини қўйиб қўйишган — аллақандай шанқи хотинлар...

Бозорга борсан. “Долларчилар шайқаси” ҳар қадамда... Долларнинг нархи расмий нархдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб, олсан.



Сурхондарёдан галла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, галласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фибрибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши лозим бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат тузилди. Одамлар устидан эъравонлик жорий этилди. Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатдилар. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қўноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қўноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни сугураси олди, — деб зорланиб эслайди уларнинг қўлига тушган бир беғуноҳ. — Ҳам-

масини бараварига сугурса ҳам майли эди, ҳар кун биттасини сугурарди...

Хатто ҳокимларга ҳам тазийқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан беэи қолдилар. Ноилож, ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қола бошлади.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қилди: “Ана, сиз орзу қилган истиклол”...

Рости, мен ҳам бебаҳт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар харом-ҳариш йўл билан пул тўплайдилар — пайти келгач пулларини кўтариб, хорижга жўнаб кетадилар”, деган рост гапни айтган эдим холос. Бу кўрсатув тўғрисида телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида, янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ноқорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб борган сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшайди. Жойларда рўй бераётган, хатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам гофиликда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқоридagi ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзма бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларим ва тўғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машум воқеаларнинг бир қисминигина эслаялман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди. Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан муъжизага ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Худода минг шўқрим, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар кун рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдарни тўсда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани тўғрисида инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўпга бошқа ютуқлардан хабарлари бор. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб турадилар.

Яқинда бир гуруҳ ижодкор дўстлар билан кўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, сўхбат гуруллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганамини, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамганини айтдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлашди. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамангиз!

Юракларни фахр билан тўлдирган

Фикр

Янги Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва ишончли мулоқот майдонига айланмоқда

Ер юзининг сайқали Самарқанд шаҳри май ойи бошида яна бир бор цивилизациялар чорраҳаси сифатида халқаро ҳамжамият эътиборини ўзига қаратди. Хабарингиз бор, бу ерда Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йилгилиши ўтказилди. Ҳеч шубҳасиз, бу Президентимиз томонидан мамлакатимизни халқаро ҳамкорлик ва ишончли мулоқот майдонига айлантириш борасида олиб борилаётган очик ҳамда прагматик сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистон халқаро аҳамиятга молик долларб масалаларни муҳокама қилиш учун тобора муҳим локацияга айланиб бормоқда.

Форулда мамлакатимиз ислохотлар йўлининг самарадорлигига оид аниқ далиллар келтирилди. Хусусан, сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинди. ЯИМ ҳажми

50 миллиарддан 147 миллиард долларгача, товар ва хизматлар экспорти эса уч баробар ошди. Камбағаллик даражаси деярли 35 фоиздан 5,8 фоизгача пасайди. Бу 8,5 миллион нафар муҳтож фуқаронинг даромадлари сезиларли даражада оширилганини англатади.

Халқаро молиявий ҳамжамият ҳам бу ўзгаришларни алоҳида эътироф этаётир. 2020 йилдан буён мамлакат суверен кредит

рейтингларини изчил яхшилаб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ОТБга аъзо бўлганига ўттиз йилдан ошди. Ўтган фуқаро мобайнида ҳамкорлик алоҳида инфратузилмавий қарзлардан тўлақонли стратегик шерикликка айланди. Айниқса, 2016 йилдан бошлаб муносабатларда сифат жиҳатдан бурилиш юз берди.

Бугунги кунда амалга оширилган ва давом этаётган лойиҳаларнинг умумий портфели қарийб 16 миллиард долларга етди. 2025 йилда эса йиллик мажбуриятлар ҳажми рекорд даражада 1,4 миллиард доллардан ошди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақадаги йирик ҳамкорлари қаторига кирди.



Акс садо

ХОТИРАГА САДОҚАТ — МИЛЛАТ ҚУДРАТИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни халқимиз учун чуқур маънавий аҳамиятга эга сана ҳисобланади. Ушбу сана нафақат Иккинчи жаҳон уруши қурбонларини ёд этиш, балки юрт тинчлиги, инсон қадри ва Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш, ҳаёт бўлган фидойиларни қадрлаш кунидир.

Инсоният тарихидаги энг дахшатли қирғинлардан бири ҳисобланган Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамлар умрига зомин бўлди. Уша оғир йилларда кўп миллатли Ўзбекистон халқи фронтда ҳам, фронт ортида ҳам юксак матонат ва жасорат намунасини кўрсатди. Жанг майдонларига 1 млн. 950 минг юртдошимиз сафарбар этилди. Уларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлди, минглаб

инсонлар бедарак кетди, ногирон бўлиб қайтди. Бу рақамлар ортида қанча оила дарди, қанча она кўзёши, қанча орзулар қолиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энг муҳими, халқимиз урушнинг энг оғир паллаларида ҳам инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатларига содиқ қолди. Ўзбекистон фронт ортидаги мустаҳкам таянчга айланди.



ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ҚАМРОВИНИ ОШИРИШ

инсон капитални ривожлантиришнинг стратегик асоси

Хозирги глобаллашув ва билимлар иқтисодиёти шароитида таълим тизими давлатнинг узок муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилловчи асосий стратегик омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Мулоҳаза

Жаҳон банки маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда инсон капитали умумий миллий бойлигининг 65 — 80 фоизини ташкил этади. Шу жиҳатдан, таълимга йўналтирилган нафақат ижтимоий барқарорликни таъминлаш, балки миллий рақобатбардошликни оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Шу боис юртимизда таълим сифати ва қамровини ошириш орқали юқори малакали, инновацион фикрлайдиган ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш ва рақамли таълим инфратузилмасини кенгайтириш асосий мақсадлар сифатида белгиланган.

Хориж тажрибаси шуни



ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнгги йилларда соҳада салмоқли натижаларга эришилди. 2017 йилда **36 та** бўлган гидроэлектр станция сони 2025 йилда **100 тага** етказилди. Уларнинг умумий қуввати **1,6 гигаваттдан 2,4 гигаваттгача** ошди.

2026 — 2032 йилларда умумий қиймати **5,8 миллиард доллар** бўлган **73 та** истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Жорий йилда **13 та** ГЭСни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Уларнинг умумий қуввати **114 мегаватт**, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса **537 миллион килловатт-соатни** ташкил этади.

Янги Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва ишончли мулоқот майдониغا айланмоқда

Бу ҳамкорликнинг аниқ натижалари фуқароларнинг кундалик ҳаётида ҳам аққол сезилмоқда. Хусусан, ўзаро ишонч асосида йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида 1 400 километрдан ортиқ темир йўл ва 1 700 километр автомобиль йўллари модернизация қилинди. 4 минг километр сув таъминоти тармоқларида ишлар якунланиб, 750 га яқин таълим муассас-



булган минглаб оилалар турибди. Зотан, иқтисодий ўсиш фақат одамларнинг ҳаётини яхшилашдангина ҳақиқий маъно касб этади.

салари янгиланди. Ушбу рақамлар ортида сифатли таълим, тоза ичимлик суви ва замонавий инфраструктура имкониятига эга бўлган минглаб оилалар турибди. Зотан, иқтисодий ўсиш фақат одамларнинг ҳаётини яхшилашдангина ҳақиқий маъно касб этади.

Йилгилиш доирасида умумий қиймати 12,5 миллиард долларлик Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 2030 йилгача мўлжалланган янги шериклик дастури имзоланганини алоҳида айтиш жоиз. Ушбу ҳужжат инфратузилма, давлат бошқаруви ислохотлари, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва инсон капи-

талини ривожлантиришни қамраб олган "Йўл харитаси"дир. Эътиборга молик жиҳати, Президентимиз форумда сўзлаган нутқида ушбу нуфузли банк билан ҳамкорликнинг тўртта стратегик устувор йўналишини белгилаб берди. Илгари сурилган муҳим ташаббуслар эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг узоқ муддатли

ўсиши учун асос яратиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббусларининг ҳаёта исчи табиқ этилиши Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб иқтисодийнинг барча тармоқларини технологик ўсиш моделига ўтказган ҳолда, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришига имкон яратади. Мамлакатимиз бугун айнан шу эзгу мақсад йўлида собит-қадам бўлиб бормоқда.

Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Тиббиёт

САМАРАДОРЛИККА ЙўНАЛТИРИЛГАН Янги МОДЕЛЬ

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тақдимот соҳада туб ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қиладиган, аниқ мақсад ва механизмларга асосланган стратегик дастур сифатида алоҳида аҳамият касб этади.



Унда бажарилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар очик қўрсатилди ва ўрнини бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Мазкур ёндашув соғлиқни сақлаш тизимини қисқа муддатли эмас, балки узоқ истиқболга мўлжалланган ҳолда қайта шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Сўнги йилларда тиббиёт соҳасида хусусий сектор улушининг сезиларли даражада ошгани кузатилмоқда. 2016 йилда 3,2 мингта бўлган хусусий клиника сони 2026 йилга келиб 8,7 мингтага етиши кутилаётгани, хизмат турлари ва койка фондининг кенгайтириши бозор механизмлари шаклланиётганини қўрсатади. Бироқ микродир ўсишнинг ўзи етарли эмас. Амалийот шуни кўрсатмоқдаки, самарали мониторинг ва аниқ стандартларсиз хизматлар сифати барқарор ошмайди. Шу боис бугунги кунда асосий вазифа — тиббий хизматлар сифати, хавфсизлиги ва ҳисобдорлигини янги босқичга кўтаришдан иборат.

Шу мақсадда тиббиёт ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва аккредитация қилиш механизмининг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги барча вазифаларни Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази орқали амалга оширилиши тақлиф этилаётгани соҳада марказлашган, шаффоф ва ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур мақсадга эришишда лицензиялаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки лицензиялаш — бу фақат руҳсат бериш жараёни эмас, балки соҳага кириш учун асосий "сифат филтри"дир. Амалда эса лицензиялаш ва қоллатларининг турли идоралар ўртасида тарқоқ ҳолда бўлиши, талабларнинг бир хил қўлланмаслиги ва ортинча бюрократик тўсиқлар тизим самарадорлигини пасайтириб келган. Бундай шароитда қарор қабул қилиш жараёнида субъективлик эҳтимоли ортиб, шаффофлик етарли даражада таъминланмайд.

2026 йил 1 июлдан бошлаб лицензиялаш тартибларини кучайтириш, бемор хавфсизлиги ва тиббий хизмат сифатида доир талабларни қайта қўриб чиқиш режалаштирилмоқда. Хусусан, амалдаги 48 турдаги лицензия талабларининг 14 тасини такомиллаштириш орқали тизимни янада аниқ ва самарали қилиш кўзда тутилган. Бу ўзгаришлар формал талабларни эмас, балки реал сифат қўрсаткичларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Айни пайтда тиббиёт ташкилотлари фаолияти устидан назоратни замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Электрон ахборот тизимлари орқали лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши масофавий баҳолаш механизмларини жорий қилиш орқали назоратнинг янги босқичга ўтилади. Бу эса инсон омили иштирокни камайитириш, коррупция хавфларини бартараф этиш ва назорат жараёнини шаффоф қилиш имконини беради.

Белгиланган вазифалар соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш билан чекланмай, унинг мазмун-моҳиятини тубдан янгиллашга қаратилган. Энди асосий эътибор инфратузилмани кенгайтиришга эмас, балки натижага йўналтирилган самарадорликка қаратилган. Мазкур жараёнда инсон, унинг ҳаёти, саломатлиги ва сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқи устувор аҳамият касб этади.

Амалга оширилаётган ислохотлар қатъий талаблар, шаффоф назорат, эркин рақобат ва кучли иқтисодий рағбат уйғунлигига асосланган яхлит тизимни шакллантиради. Ана шу омилга бир-бири билан уйғун ишлаган тақдирда соғлиқни сақлаш тизими сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади.

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қўнуничилик палатаси депутати.


Муносабат

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улғудир. Президентимиз томонидан кейинги йилларда эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улғушлаш ва абадийлаштириш, инсон манфаатларини таъминлашга юксак эътибор қаратилмоқда. Буни барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

МАРДЛИК ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ

Айниқса, мамлакатимизда тарихий хотирани асраш, уруш ҳамда меҳнат fronti қатнашчилари, миллат озодлиги йўлида курашган жасур инсонлар хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар халқимизнинг маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бу борада пойтахтимизда бунёд этилган Галаба боги ҳамда унинг таркибидagi "Матонат мадҳияси" ва "Миллат фидойилари" ёдгорлик комплекслари алоҳида ўрин тутди. Мазкур мажмуалар нафақат тарихий ёдгорлик, балки халқимизнинг матонати, жасорати ва ватанпарварлик руҳини ўзига мужассамлашган муқаддас маънавий маскан сифатида намён бўлмоқда.

Бугун ушбу қутлуг қадамжоларга келган ҳар бир инсон, ҳар бир ёш ўтмиш сабоқларини теран хис этади, юрт тинчлиги ва мустақилликнинг нақадар улуг нёъмат эканини англайди. Айниқса, ёш авлод учун бу масканлар ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтаб, уларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини дахлдорлик, аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди. Шу маънода, Галаба боги ва ундаги ёдгорлик мажмуалари халқ хотираси ҳамда миллий гуруҳ тимсоли сифатида тобора табаррук ва қадрли зиёратгоҳга айланиб бормоқда.



Янги Ўзбекистонда кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишлар исчи давом эттириляпти. Хусусан, жорий йилда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 миллион сўм миқдорда пул мукофотлари берилди. Қолаверса, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни санаторийлар, дам олиш масканларига бепул ва имтиёзли асосда юбориш бўйича самарали тизим фаолият кўрсатаётди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 8 май куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини зиёрат қилиб, байрам билан табриклагани юксак эътиборнинг яна бир амалии намунаси бўлди, десак, муболага эмас. Президентимиз Қуролли Кучлар Бош ҳарбий клиник госпиталида Акмал Акрамов, Вера Журавская, Хасанбой Халматов ва Владимир Алексейков билан дилдан сўхбатлашди. Нурунийларнинг ҳол-аҳволи ҳамда саломатлиги билан қизиқди. Уларнинг машаққатли ҳаёт йўли ва кўрсатган жасоратларини алоҳида эътироф этди.

Юртбошимизнинг фахрийлар билан самийий мулоқотида эътибор



Марям НИЯЗОВА, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

Марям НИЯЗОВА, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

бериш керак бўлган муҳим жиҳат шундаки, нурунийлар ҳаёти ва жасорати халқимиз маънавиятининг тирик тимсоли сифатида қадрланмоқда. Чунки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бугунги осуда ҳаётимиз учун оғир ва синовли даврларни бошидан кечирган.

Шу боис улар билан бўлаётган ҳар бир учрашув, айтилган ҳар бир илқ сўз ва кўрсатилаётган эътибор чуқур маъно касб этади. Яъни бугунги ёруғ кунлар, бебаҳо тинчлик ва осийшталик ўз-ўзидан келмаганини, фаровон ҳаёт ортида қанчадан-қанча инсонларнинг тақдир, жасорати ва машаққатли меҳнати турганини англайди. Бу эса Янги Ўзбекистонда "инсон қадрини" деган ҳаётий тамойил тобора чуқур қарор топаётганини яна бир бор кўрсатмоқда. Бундай эътибор ва эъзоз кекса авлод вакилларига маънавий куч бағишлаш, ёшлар учун Ватанга садоқат, бурч ва матонат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ғолиб ҳамда музаффар ота-боларимизнинг Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва халқ осийшталлигини асраш йўлида кўрсатган бекиёс жасорати ҳамда фидоикорона хизматларини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўли ва маънавий меросини кенг тарғиб этиш давлатимиз ва жамятимиз олдида турган энг муҳим маънавий вазифалардан биридир. Зеро, шонли ўтмишчилик ва озодлик йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотираси қанчалик улғуланса, халқимизда ҳам миллий гуруҳ ва фидойиллик туйғулари шунчалик мустаҳкам бўлади.

Марям НИЯЗОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

ХОТИРАГА САДОҚАТ — МИЛЛАТ ҚУДРАТИ

Юртимизга эвакуация қилинган миллионлаб инсонлар, жумладан, юз минглаб болалар ўзбек хонадонларида меҳр ҳамда ғамхўрлик топти. Темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамованинг турли миллат вакиллари билан бўлган 14 нафар етим болани тарбияга олгани халқимиз бағрикенглигининг ёрқин тимсоли сифатида тарихга муҳрланган.

Каттақўрғонлик Ҳамид Самадовнинг урушдан оғир жароҳат билан қайтиб, 13 нафар қаровисиз болани ўз бағрига олиши ҳам халқимизга юксак инсонийлик намунаси. Очарчилик ва муҳтожлик ҳужм сурган йилларда ҳам ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмаган ана шундай инсонлар туйғулари миллатимиз маънавий қудрати бутун дунёга намён бўлди.

Бугун Янги Ўзбекистонда ана шу тарихий хотирага юксак эҳтиром билан қаралмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, муносиб турмуш шароитини яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Жорий йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб, "Бурч, жасорат, матонат!" шiori остида ташкил этилган тадбирлар ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, миллий гуруҳ ва тарихга ҳурмат туйғулари мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз 8 май куни Галаба боғидаги хотира тадбирларида қатнашиб, "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги пойга гулчамбар қўйди. Қуролли Кучлар Бош ҳарбий клиник госпиталида уруш ва меҳнат



фронт фахрийлари билан самийий мулоқот қилди. Юртбошимизнинг бу инсонларга қарата "Сизлар тарихнинг жонли гувоҳи, матонат тимсоли-сизлар", деган фикрларида катта маъно мужассам. Чунки тинчлик қадрини энг яхши англайдиган инсонлар уруш азобини кўрган авлоддир. "Миллат фидойилари" жиёбонида мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида халок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хотирасига кўрсатилган эҳтиром барчамиз учун ибрат. Ватан ҳимояси ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи экани бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётди.

Ҳозирги таҳликали ва мураккаб дунёда миллий бирлик, ҳамжихатлик ҳамда тинчликни асраш энг катта вазифага айланди. Атрофимизда кечаётган турли можаролар, қиргин ва зиддиятлар халқимиз учун тинчликнинг нақадар бебаҳо нёъмат эканини яна бир бор эслатмоқда.

Тарихни унутган миллатнинг келажиги бўлмайд. Хотирага садоқат эса миллатни бирлаштиради, унинг маънавий устуларини мустаҳкамлайди. Шу маънода, Хотира ва Қадрлаш кунини нафақат ўтмишга назар, балки келажак олдидаги масъулиятни англаш кунини ҳамдир.

Фарзандларимиз юрт тинчлиги, Ватан озодлиги қандай машаққатлар эвазига сақлаб қолганини чуқур англаб вояга етса, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик абадий бўлади.

Ҳилола ЮСУПОВА,
Олий Мажлис Қўнуничилик палатаси депутати.

«Яшил макон»

Рақамлаштириш — аниқлик ва юқори натижа демак

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси юртимиз бўйича ёшу қарини кўчатчилик билан шуғуланиш, ниҳол ўтқазши, боғу роғлар яратишга ундамоқда.

Шаҳарлару қишлоқларда яшиллик қўламини ошаётди, дала четларини ариқ-зовурларнинг ёқаси ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Мақсад — 2030 йилгача юртимиз ҳудудининг 30 фоизини яшилликка буркаш. Бунинг учун экилган ниҳоллар қўриб қолмаслиги, хайрли ишдаги рақамларга сохталик аришмаслиги лозим.

— Утган йилнинг 26 сентябрида Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йилгилишда кузда 125 млн., кўкларда эса 75 млн. туп ниҳол экиш бўйича топширик берилган эди, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги бошқарма бошлиғи Ҳакимжон Абдуллаев. — Албатта, бу рақамлар ортиги билан удаланди ва республикамизнинг яшиллик даражаси 14,3 фоизга етказилди. Ушбу хайрли ишда ўрмон хўжаликлари, турли ташкилотлар ва идоралар қатори 1,3 мингта яқин маҳалларда яшовчи аҳоли фаолилик кўрсатди. Ҳар бир экилган кўчат Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг "yashilmakon.eko" электрон платформасида белгиланган тартибда ҳисобга олинди. Шунингдек, пойтахтимиз ҳудудидagi жами 858 минг туп дарахт паспортлаштирилди, уларнинг маълумотлари "яшил макон" ва "green.tashkent.uz" электрон платформаларига joyлаштирилди.

Жорий йилда кўчат экиш бўйича назорат тадбирларига Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимидаги 544 нафар ходим жалб қилиниб, улар 484 та планшет, 11 та учувчисиз учуш қурилмаси билан таъминланди. "Яшил белбоғ" ва "яшил қоплама"лар барпо этиш бўйича республикадаги 31 та шаҳар атрофида бекиёс ишлар амалга оширилди. Нукус, Бухоро ва Урганч шаҳарлари чегарасида 40 км., шунингдек, Термиз шаҳри ва Термиз туманида 47 гектар майдонда афсон шамоли, унинг қум-чанг бўронларига қарши "яшил белбоғ"лар барпо этилди.

— Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш масаласи ҳам диққат-эътиборимизда, — дея сўзини давом эттиради сўхбатдошимиз. — Ана шу мақсадда 253 минг гектар майдонда, жумладан, 115 минг гектар Орол денгизининг қуриган туби ва 134,6 минг гектар Оролбўйи ҳудудларида "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилиб, уларнинг умумий майдони 2 млн. гектарга етказилди.

Чўлланишга қарши курашиш борасида сувсизликка чидамли, шўр ерларда ўсишга мослашган галофит ўсимликларини илмий усулда етиштириш мақсадида Хитой чўлланишга қарши курашиш бўйича халқаро маркази, Шинжон экология ва география институти олимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Натияжада Хитойдан 35 турдаги 1,3 тонна галофит ўсимликлари уруғларини олиб келиш имкони туғилди. Жорий йилда Арнаосой, Нукус, Қорақўл, Муборак ҳамда Карманна туманларидаги жами 49 гектар майдонда галофит боғлари ташкил этилди. Айни чоғда хитойлик олимлар билан биргаликда Қораўзақ, Шофиркон, Қонимех ўрмон хўжаликларида учта чўл ўсимликларининг уруғчилиги ва кўчатчилик хўжалиги ҳамда 10 та галофит ва керофит боғини ташкил этишга киришилди.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь — март ойларида савдо хизматлари ҳажми 75,1 трлн. сўмни ташкил этган.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь — март ойларида савдо хизматлари ҳажми 75,1 трлн. сўмни ташкил этган.

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

Иштихон туманидаги Бешариқ маҳалласида бугунги кунда 5 мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Уларнинг асосий қисми кўчатчилик билан шуғулланиб, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш орқали даромад топаётди.

Омилкорлик

Ушбу маҳаллада яшовчи Ўткир Алламуродов неча йиллардан буён ҳовлисидagi 5 сотихлик иссиқхонада иқлим шароитига мос, сервосил помидор кўчатларини етиштириб келмоқда.

Шунингдек, томорқа эгаси иссиқхона билан бир қаторда ҳовлисида парвариш қилинаётган 100 туп тоқдан ҳам мўл ҳосил етиштириб, даромад олмақда. Бу

эса кичик ер майдонидан ҳам юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатади. — Иссиқхонамизда май ойининг охиригача кўчат етиштириб сотамиз. Ундан кейин шу ернинг ўзида ва томоркамизнинг қолган ерларида картошка, помидор ва бодиринг етиштиришимиз, — дейди Ўткир Алламуродов. — Қолаверса, узумдан ҳам ҳар йили 4 тоннадан ортиқ ҳосил оламиз. Шунингдек, чорва билан шуғулланамиз.

Ва шу орқали яхшигина даромад толяпимиз.

Алишер ва Ойбек Алламуродовлар ўз иссиқхоналарида етиштирилаётган помидор ва бўлғор қалампирни кўчатларини сотиш орқали йилга 100 миллион сўмгача даромад қилишмоқда. Маҳалларда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида олиб борилаётган бу каби ишлар озик-овқат етиштириш ҳажмини ошириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ҚАМРОВИНИ ОШИРИШ

инсон капиталини ривожлантиришнинг стратегик асоси

Хусусан, 2021 — 2024 йиллар давомида хоржий университетлар филиаллари сони 25 тадан ошди, кредит-модуль тизими кенг жорий этилди ва таълим жараёнида рақамли платформалардан фойдаланиш ҳажми кескин ошди. Ўз навбатида, олий таълим қамрови ва малакали кадрлар улуши ҳам исчи ўсиб, мос равишда 9 фоиздан 45 фоизга ҳамда 32 фоиздан 55 фоизга ортган. Бу ўсиш ОТМ битирувчилари бандлиги даражасининг 55 фоиздан 80 фоизгача кўтарилишига ҳам бевосита таъсир қилган. Шунингдек, меҳнат унумдорлиги индекси ва таълимга ажратиладиган харажатларнинг ЯИМга нисбати ҳам исчи ошди.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган прогно кўрсаткичлари Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган исчи ислохотлар инсон капиталининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига туртки беришини кўрсатмоқда. Хусусан, мактабгача таълим қамровининг 2026 йилдаги 82 фоиздан 2030 йилга келиб 90 фоизга етиши инсон капиталининг дастлабки пойдеворини мустаҳкамлаб, кейинги таълим бос-

қинларида билмиларни самарали ўзлаштириш имконини оширади. Илмий тадқиқотлар шунини тасдиқлайдики, мактабгача таълимга жалб қилинган болаларнинг келгусидаги академик натижалари ва меҳнат бозоридagi мослашувчанлиги ўртача 20 — 25 фоизга юқори бўлади, бу эса узоқ муддатда иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Олий таълим қамровининг 2026 — 2030 йиллар давомида 47 фоиздан 60 фоизгача ошishi юқори малакали инсон капиталини улушининг сезиларли кенгайтишини англайди. Прогнозларга қараганда, 2030 йилга бориб 25 — 34 ёшдаги малакали кадрлар улуши 70 фоизга етади. Бу эса меҳнат бозорига интеллектуал меҳнат улушининг ошishi га ва юқори қўшимча қиймат яратувчи тармоқларнинг ривожланишига замин яратади. ОТМ битирувчиларининг бандлик даражаси 90 фоизга етиши таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги интеграциянинг кучайганини кўрсатиб, дуал таълим, амалиётга йўналтирилган ўқув дастурлари ва хусусий сектор иштирокнинг кенгайishi билан изоҳланади. Таълимга ажратиладиган харажатлар-

камрови ошгани билан, сифат кўрсаткичлари ҳали ривожланган давлатлар даражасига етмаган. Қолаверса, таълим сифати бўйича регионал тафовутлар сақланиб қолмоқда: катта шаҳарлар ва ривожланган ҳудудларда таълим сифат кўрсаткичлари юқори бўлса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда

бўрмайди. Кредит-модуль тизими ва амалий кўникмаларга йўналтирилган дастурлар жорий этилган бўлса-да, иш бериувчилар ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада деб бўлмайд.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун таълим сифати, ўқитувчилар мала-

каси, инфратузилма ва иш бериувчилар билан интеграцияни кучайтирувчи комплекс ёндашувлар талаб этилади. Масалан, дуал таълим тизимини кенгайтириш, амалиёт ва илмий тадқиқот фаолиятини ошириш, шунингдек, "STEM" ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш орқали битирувчиларнинг меҳнат бозорига мослашувчанлиги яхшиланади. Шу билан бирга, таълимга ажратилаётган маблағларни самарали ва шаффоф бошқариш, инфратузилмани модернизация қилиш инсон капиталининг сифатини оширишга ёрдам беради.

Ушбу чора-тадбирлар инсон капиталининг барча таркибий элементларини — билим, қўнимча ва меҳнат бозорига мослашувчанликни ривожлантиришга хизмат қилади. Булар нафақат таълим сифати ва қамровини оширади, балки иқтисодий самарадорлик, инновацион салоҳият ҳамда глобал рақобатдорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Пировардида Ўзбекистон иқтисодий самарадорликни ошириш, инновацион салоҳиятни кучайтириш йўлида кучли стратегик пойдевор я

«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА МЕҲРУ МУҲАББАТИМ БЎЛАКЧА...»

Дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шундай халқлар қаторига бемалол қўша оламиз. Яқинда Ватанимизга ташриф буюрган Озарбайжон халқ ёзувчиси, Озарбайжон ёзувчилар уюшмаси раиси, бугунги туркий адабиётнинг етук вакилларидан бири, Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени соҳиби АНАР муаллим билан суҳбатимиз ҳам икки халқ ўртасидаги алоқалар давомийлиги хусусида кечди.

Бизнинг суҳбат

— Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар кўп, — дейди Анар муаллим суҳбат бошида. — Турмуш тарзиде, аёна ва урф-одатларимизда, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда кўплаб умумий жиҳатларни учратиш мумкин. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш «Авесто» китоби, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ўлмас дурдоналари саналган «Гурўгли», «Ошиқ Фароб», «Дада Қўрқут» дostonлари ана шу азалий қардошлик ва биродарликнинг ёрқин исботи. Ўзбек мақомлари ва бетакор озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоханлик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинликни ўзида ифодалайди.



муҳаббатим бўлакча эди. Ўзбек адабларининг илк асарларини мактаб дарсликларидан ўрганганмиз. Илк бор ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкентда ўтказилган Халқаро кинофестивалга келгандим. Мустақиллик йилларида, айниқса, Янги Ўзбекистон даврида шаҳарларининг ниҳоятда гўзаллашиб, замонавий қиёфа касб этибди. Сўнги йилларда Ўзбекистонга бир неча марта келдим. Ҳар гал мен бу қардош ўлқанинг янгидан-янги қирраларини кашф этаман.

Охири марта бир неча ҳафта муқаддам Тошкентга Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ томонидан ўтказилган йирик анжуман туфайли келдим. Ўзбек қардошларимизнинг китобга, адабиётга, маърифатга таълими, давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг маданий меросни, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қаратилган эътибори таъсирчан сазовор. Ўзбекистоннинг илмий сайин ривожланиб бораётганидан чин дилдан қувонаман.

— **Икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳақида нималар дея оласиз?**

— Икки халқ ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётгани Озарбайжоннинг бир зиёли вакили сифатида мени ниҳоятда шод этади. Албатта, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Озарбайжон Президенти

Илҳом Алиев ташаббуслари билан бу азалий дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Халқларимиз тобора бир-бирига яқинлашмоқда. Орамиздаги меҳр-муҳаббат ришталари тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, икки юртнинг адаблари, ёзуви ва шоирлари, илм-фан аҳли ўртасидаги яқинлик ҳам ҳар биримизни ниҳоятда севинтиради. Ҳар йили мамлакатларимиз вакиллари иштирокида турли илмий анжуманлар, санъат ва маданият кунлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси ўзаро дўстлигимиз ривожига муҳим омил саналади. Келгусида бу дўстлик ҳозиргидан ҳам мустаҳкам, жўшқин тус олишини истайман. Бир-биримизнинг адабиётимиз, тарихимиз, аъналаримиз ва қадриятларимизни қанчалик чуқур ўргансақ, шу қадар яқинлашамиз, келгуси авлодлар учун ўрناк бўламиз.

— **Сиз Озарбайжоннинг таниқли адаблари — Расул Ризо ва Нигор Рафибейли хонадонига тугилиб вояга етгансиз. Бу сизнинг буюк ёзувчи бўлиб етишининг асосий сабабими?**

— Албатта, ота-она ҳар бир фарзанднинг вояга етишида катта ўрин тутади. Мен ҳам ота-онам олдида тоабд қарздорман. Улар менинг дунёга келишим, дунёни танишим, дунёқарашимнинг пайдо бўлиши ва тафаккурим кенгайишида беқиёс мақомга эга. Мен китоблар орасида ўсиб-ўлғайдим. Уйимизга таниқли ёзувчи-шоирлар тез-тез келиб, адабий суҳбатлар ўтказиб туришган. Ота-онам билан адабиёт ҳақида, санъат, ҳаёт ҳақида узундан-узок суҳбатлар қилганмиз. Аммо ҳар қандай ижодкор ота-онанинг ҳар бир фарзанди адабиёт соҳасини танлайвермайди. Чунки инсоннинг ўзида ҳам адабиётга қизиқиш, муҳаббат, иқтидор бўлиши керак. Менда ҳам шундай қизиқиш ва иқтидор борга ўхшайди (қулади).

— **Бугунги ёш авлод вакиллари адабиётга қизиқишини қандай баҳолайсиз?**

— Табиийки, ҳар икки мамлакатда китобга, китобхонликка давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилаётган. Бироқ ёш авлоднинг буларга қизиқишидан,

очиги, кўнглим унчалик тўлмайди. Бугунги кунда замонавий технологиялар, интернет, ижтимоий тармоқлар, яна мен унча тушунмайдиган нарсалар ёшларнинг вақтин, диққат-эътиборини керагидан ортиқ банд қилаётган. Албатта, ёшлар замон билан ҳамнафас юришлари даркор, лекин ҳеч нарса, ҳеч қандай янгилик китобдан узоқлашиш учун баҳона бўлмайди. Бу ҳолатлар, бундай қизиқишлар, ҳою ҳавасларнинг барчаси вақтинча эканига ишонгим келади. Адабиёт қадимги Шумер давридан то бугунга қадар яшаб келяптими, демак, бундан кейин ҳам яшайверади. Келгуси авлодлар ҳам аждодларимиз ва бизнинг давримизда яратилган адабиёт дурдоналаридан баҳраманд бўлишига, ўзлари ҳам умрбоқий адабий асарлар яратишларига умидворман.

— **Бугун инсоният тарихида янги давр — сунъий интеллект даври бошланяпти. Унинг воситасида ҳатто адабий асарларни ҳам яратиш имкони вужудга келмоқда. Сизнингча, бу чинакам адабиётнинг келажагига таҳдид соладими?**

— Назаримда, сунъий интеллект бу — техник жараёнлар ҳосиласи. Унинг ёрдамида ҳаётимиз янада қулайлашиб, кўплаб муаммоларнинг ечими топилиши турган гап, аммо уни маънавий қамолот чўққиси деб бўлмайди. Ҳақиқий маънодаги адабий асарлар яратилиши учун сунъий эмас, табиий идрок, инсон қалби ва руҳи, унинг ўй-ҳаёллари, кечинмалари, тугўнлари керак бўлади. Бадиий асар яратиш жараёнида адиб кези келганда севади, севади, вақти-вақти билан нафратланади, кўзёш тўкади. Бу — фақатгина инсонга хос бўлган тушунчалар. Сунъий интеллект ҳам инсон тафаккурининг, у яратган гоёлар, фикрлар, янгиликлар маҳсули. Шу боис у инсонни қувиб ўтолмайди. У фақат инсон иродасидан келиб чиқиб, нималаридир ярата олади, унга ёрдам беради. Лекин инсон ва унинг ҳис-туйғулари устидан ҳоким бўлмайди. Демак, сунъий интеллект адабиёт келажагига таҳдид солмайди. Ҳарқалай, бу яқин келажақда юз бермас керак. Эҳтимол, узоқ келажақда, фантастик асарларда ўқиганимиз каби, сунъий инсонлар даври бошланар ва ҳақиқий инсоният ортга чекинган. Бироқ бундай келажақни шахсан мен ҳеч қачон орзу қилмаган бўлардим.

— **Сизнинг 30 йилча аввал ёзган «Оқ кўчкор, қора кўчкор» номли киссангизда бош қаҳрамон Озарбайжоннинг икки хил келажаги билан тўқнашади. Биринчи қисмда мамлакатнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган даври, иккинчисида таназзул манзаралари тасвирланган... Сизнингча, Озарбайжон сиз орзу қилган ёруғ кунларга етиб келдими?**

— «Оқ кўчкор, қора кўчкор» киссаси — утопик ва антиутопик асар. Биринчи қисмда бош қаҳрамон идеал жамиятга кириб боради. Бу фақат орзуларда бўладиган ўлка. Менимча, биз ҳали бу даражага етиб бормадик. Ҳали унга етиб боришимиз учун анча йўл юришимиз даркор. Лекин Яратганга бевазд шукр, асарнинг иккинчи қисмида назарда тутилган «бахтсиз келажақ» рўй бермади. Асарда олис келажақда ички бўлинишлар, қарама-қаршиликлар натижасида мамлакат парчланиб, халқ оғир қисматга дучор бўлади. Шукрки, бундай бадбахтлик бизга соя солаётгани йўқ. Мамлакатимиз раҳбарияти ана шундай муаммоларнинг олдини олиб, Озарбайжонни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқди. Аммо тўла-ўқис бахтли келажақ, мукамал ҳаёт учун ҳали анча ишларни амалга оширишимиз зарур.

— **Ўзбекистондаги мухлисларингиз, жумладан, «Халқ сўзи» газетаси ўқувчиларига тилакларингиз?**

— Ўзбекистонда ўқувчиларим борлигини биламан ва бу мени ниҳоятда қувонтиради. «Халқ сўзи» минбари орқали уларга, биринчи навбатда, соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт ва хотиржамлик, қардош Ўзбекистонга янада равнақ, тинчлик ва фаровонлик тилайман. Китоб адабиётдан ҳеч қачон айро қолмасликларини сураб қоламан. Менинг ижод намуналарим сизларга манзур бўлса, бундан баҳад бахтиёрман.

Рустам ЖАББОРОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.



Футбол: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИНДИ

Саудия Арабистонида футбол бўйича ўсимлар ўртасидаги навбатдаги Осиё кубоғининг иккинчи тур учрашувлари ўз якунига етди.



«D» гуруҳида ўйинларини ўтказаятган Ўзбекистон «U-17» терма жамоаси Ҳиндистон термаси билан рақобатлашди. Учрашувда вакилларимиз 3:0 ҳисобида галаба қозondi. Натижада футболчиларимиз 3 очкога эга бўлиб, чорак финал ва Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Ушбу гуруҳда Австралия термаси ҳам мазкур йўлланмаларга эга чиқди ва 13 май кuni Ўзбекистон билан гуруҳ пешқадамлиги учун ўзаро баҳс олиб боради. Гуруҳдаги тўртинчи жамоа бўлган Корея Халқ Демократик Республикаси қитъа биринчилигида иштирок этишдан бош тортгани учун «D» гуруҳида 3 та жамоа қатнашмоқда.

Теннис: МАРИЯ — «ISTANBUL OPEN» ҲОЛИБИ

Ўзбекистоннинг учинчи рақамли теннисчиси Мария Тимофеева Туркиянинг Истанбул шаҳрида яқинда етган «WTA 125» тоифасига кирувчи турнир бош совринини қўлга киритди.

Вакилимиз халқувий финал учрашувида дунёнинг собоқ 17-ракетаси хорватиялик Донна Векичага қарши кортга чиқди. 1,5 соат давом этган баҳсда Мария турнирнинг биринчи рақам остида таснифланган номдори рақибини ортқича қийинчилигида мағлубиятга учрата олди — 6:4, 6:2.

Таққослаш учун, М. Тимофеева айни пайтда WTA рейтингида 136, 29 ёшли Донна Векича эса 89-ўринни эгаллаб турибди. Бу теннисчиларнинг ўзаро ўтказган илк учрашуви бўлди.

Бокс: МУДДАТИДАН ОЛДИН ИККИ ҒАЛАБА

Англиянинг Манчестер шаҳридаги «Co Op Live Arena» мажмуасида уюштирилган профессионал бокс оқшомида икки ҳамюртимиз — Баҳодир Жалолов ва Жаҳоҳир Умматалиев рингга кўтарилди.

Супер оғир вази тоифасидаги баҳсда Б. Жалолов навбатдаги жангини хорватиялик Агрон Смакчицага қарши ўтказди. 10 раундлик беллашувда Смакчининг бурчаги саккизинчи раунд аввалида жангини давом эттиришдан бош тортди. Натижада Баҳодир техник нокаут орқали зафар қучди. Мазкур муваффақият унинг профессионал боксдаги ўн саккизинчи ғалабаси бўлди.

Шунингдек, яна бир вакилимиз, ҳаваскор боксда амалдаги жаҳон чемпиони Ж. Умматалиев Польша вакили Дамиан Драбикка қарши рингга кўтарилди. Яримоғир вази тоифасидаги 6 раунд этиб белгиланган ушбу жанг да чарм қўлқоп устамиз иккинчи раундда рақибини нокаут орқали таслим қилди.

Оғир атлетика: ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИДА

11 — 18 май кунлари Ҳиндистоннинг Гаңдханага шаҳри оғир атлетика бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилди.

Мусобақада 28 та мамлакатдан 172 нафар атлет қитъа голибиди учун баҳс олиб боради. Қитъа биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Жўрабек Зоиров ва Абдор Тожимирзаев мураббийлигидаги юртдошларимиз 6 та вази бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказди. Хусусан, А. Эргашев (-65 кг.), Х. Матрасулов (-71 кг.), А. Алимжанов (-79 кг.), С. Зафаржонов (-88 кг.), М. Тоштемиров (-94 кг.), А. Абдуллоев (+110 кг.) Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Иновация ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

Бухоро давлат университети табиий фанлар ва агроботехнология факультети 3-босқич талабаси Жаҳонгир Назаров кузги ҳазон барглари воситасида экологик тоза қадқоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид инновацион гоғни илгари суриб, айтса арзигулик натижага эришди.

Изланувчан юртдошимиз лаборатория шартларида махсус технология жараёнлар асосида ҳазон барглари қайта ишлаб, биологик парчаланадиган қоғоз ва қадқоқлаш маҳсулотлари тайёрлаш мумкинлигини исботлади.

Иновацион ривожланиш агентлиги вилоят бўлинимаси бош мутахассиси И. Муродовнинг таъкидлашича, ушбу маҳсулотлар пластик қадқоқлаш воситаларига муқобил бўлиб, табиатга зиён етказмаслиги ва қисқа вақт ичида табиий равишда парчаланishi билан таҳсинга лойиқ. Қолаверса, гап амалда фойдаланилмаётган, чиқит сифатида қаралаётган, айрим ҳолларда эса ёқиб юбориладиган кузги ҳазон барглари қайта ишлаш ҳақида бормоқда. Ва шу йўл билан экологик муаммоларнинг бирига ечим топиш мумкин.

Жаҳонгир ҳали ёш бўлишига қарамай илмда бошқалар юрмаган йўлдан боришга, креатив фикрлашга интилади. Ушбу гоғ туғилганида унча ишонқирамаганлар ҳам бўлди. Аммо қатъиятли йиғит бунни удаллади. Агар у тақлиф қилаётган лойиҳа амалиётда қўлланилса, ўнлаб янги иш ўринлари яратилади, маҳаллий тошмашини қайта ишлаш орқали экологик тоза маҳсулотга талаб ҳам қондирилади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Фарғона туманидаги Саткак маҳалласи вилоят марказига яқин жойлашган табиати сўлим ва ҳушманзара ҳудуд ҳисобланади. Мазкур маҳаллада «Саткак азиз», «Саткак буво» номи билан машҳур тарихий зиёратгоҳ бор. Мулло Абдураҳмон Садқокий зиёратгоҳи эса мамлакатимизнинг маданий мерос объектлари рўйхатида киритилган. Мазкур маскан йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлар билан гавжум.

«САТКАК АЗИЗ» ҚАЧОН АЗИЗ БЎЛАДИ?

Бу ерга нафақат Фарғона водийси, балки юртимизнинг барча ҳудуди, қўшни мамлакатлардан ҳам сайёҳлар келади. Утган йили Саткакни Шохимардон, Ердон, Чимёв, Воқил ва Аввал маҳалласи сингари туманининг туризм маршрутлари рўйхатида киритиш ҳаракати бошланганди. Саткакликлар, Қир-лола маҳалласи ижобат бўлса, маҳалла обод бўлишига умид қилишганди. Афсуски, бу иш охирига етказилмади.

— Ҳудудда 10 та ички кўча бор, — дейди «Саткак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Аминов. — Яқинда Фарғона тумани ҳокимлиги масъуллари Саткак, Мураббийлар, Қир-лола кўчаларига 2 та сув минораси ўрнатиш, 4 км сув тармоғи тортиш бўйича дастур ишлаб чиқилганини маълум қилган. Эски симёғочларни бетон таянч устунларга алмаштириш орқали электр таъминоти хавфсизлиги ва узлуқсизлигини таъминлаш бўйича ҳам ваздалар берилган. Лекин бу ишлар ҳалигача бошланмади.

Маҳалла биноси анча торлиги учун ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ҳодимга етарли шароит йўқ. Айтилики, «маҳалла еттилик» аъзоларидан бирига мурожаатчи келса, бошқалар ташқарига чиқиб туришига мажбур. Маҳалла фаолларининг куюнчилиги туфайли шу кунларда ҳудудни катта йўл билан боғловчи кўчага светофор ўрнатилди. Бунгача мактаб ўқувчилари, катталар ҳам серқатнов йўлдан ўтишга жуда ҳам қийналарди. Айниқса, ёз мавсумида кунига 1-1,5 минг нафаргача сайёҳ келади. Шу сабабли ҳордиқ масканлари, умумий овқатланиш шохобчалари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш муҳим.

Айни пайтда маҳалладаги 780 та оилада 3750 нафар аҳоли истикомат қилмоқда. Маҳалладаги 29-умумтаълим мактаби 350 ўринга мўлжалланган. Бугунги кунда у ерда 460 нафар ўқувчи таҳсил олади. Шу боис дарслар икки навбатда



ташкил этилган. 17-мактабгача таълим ташкилотига 180 нафар кичкинтой қамраб олинган. Замонавий шароитлар яратиш масаласида мазкур боғчада ҳам муаммолар бор. Маҳалла ахлининг мурожаати асосида яқинда 0,4 км. ички йўл асфальт қилинди. Маҳалладагилар «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг жорий йилги биринчи босқичида фаол қатнашиб, 1 млрд. 675 млн. сўм ютиб олишди. Бу маблағ эвазига 3 км. ички йўллар таъмирланди. Аммо маҳаллада шифо маскани йўқлиги энг оғриқли масала. Тўғри, бу борадаги эътирозлардан сўнг масъуллар томонидан маҳалла биноси ёнига коронавирус пандемияси даврида фойдаланилган кўча шифохонна биноси олиб келиб ўрнатилди. Бироқ саткакликлар юқумли касаллик асоратлари сақланиб қолиши мумкин бўлган ушбу тиббиёт пунктидан фойдаланишни хошлашмади. Тиббий хизматга эҳтиёж сезилганда аҳоли қўшни маҳалладаги шифо маскани ёки вилоят

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

«Осиё кубоғи — 2027» мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси «В» гуруҳида Баҳрайн, КХДР ҳамда Иордания терма жамоалари билан баҳс олиб борадиган бўлди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлбемалар тақриб қилинмайди ва мазаллига қайтарилмайди.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Топшириди — 0440 1 2 3 4 5 6